

Xabar

3

(957)-son

21-yanvar

www.xabar.uz

info@xabar.uz

xabar@uzpak.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Маълумот саклашда ишончли майдон



Бутун дунёда ахборотлар ҳажми ошгандан ошмоқда. Айниқса, интернет тизими ҳақиқий маълумотлар маконига айланиб қолди. 2009 йилнинг ўрталарида интернетда сақланадиган маълумотлар ҳажми 500 млрд. Гбни ташкил этган бўлса, 2012 йилга бориб бу кўрсаткич беш баробарга ортади. Интернетдан фойдаланувчилар сони ошгани сари савдо-сотик ҳам глобал тармоққа кўчиб ўтмоқда. Мутахассисларнинг тахминича, 2012 йилда 850 мldдан ортиқ киши интернет орқали савдо-сотикни амалга оширади. Албатта, бундай шароитда ахборот хавфсизлиги, уни сақлаш ва қайта ишлаш, тарқатиш масалалари янада долзарблик касб этади. Бу жараёнда Маълумотлар марказларининг (Data center) ўрни катта. Шу сабабли ҳам дунё бўйлаб маълумотларни ишлаш марказларини қуриш юқори суръатларда давом этмоқда. Айни вақтда Дата-марказлар мижозларни жалб қилишда қийинчиликларга дуч келишгаётган бўлса-да, қурилиш ишлари тўхтаб қолгани йўқ. Мазкур соҳа вакиллари янги шаклланиб келаётган фойдаланувчилар оқимига катта умид боғлашмоқда. Манتيқ куйидагича: Дата-марказ хизматларидан келгусида нафақат алоқа операторлари, IT-дастурлаш соҳаси ва хостинг-провайдерлар вакиллари, балки бизнеснинг исталган йўналиши аъзолари фойдаланиши мумкин.

5-бет

Ушбу сонда:

- Келажакка дахлдорлик туйғуси 2

- **Реклама:** Ҳар қандай қонунчилик такомил юрт манфаатларига хизмат қилади 3

- Подведены итоги 6

- Идора ходимларининг соғлиги 13

- Кўчат экиб, боғ яратайлик! 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар



Алоқа оламида:

Сўнги янгилик!

PixelOptics компанияси жаҳондаги биринчи электрон фокусланувчи кўзойнаклар намунасини тақдим этди. Янги авлод кўзойнаги йил давомида савдо пештахталарида пайдо бўлиши кутиляпти.

Кўзойнак emPower! деб номланган бўлиб, орасига суяқ кристалл жойлаштирилган икки қатламли ойнадан ташкил топган композит линзалардан иборат. Кристаллар ойна орқали оптик масофа узунлигини ўзгартиришга хизмат қилади.

Фокусни қўлда ва автоматик ўзгартириш мумкин.

Jumadan Jumagacha

➔ NISHONDORLARIMIZ

Келажакка дахлдорлик туйғуси

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониغا мувофиқ, "Шухрат" медали билан тақдирландим. Шундай қилиб, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни мен учун кўшалок байрамга айланди. Ҳамкасбларим Ватанинг юксак мукофотини олганим сабаб сидкидилдан табриклардим. Ана шунда кўзлаган эзгу мақсади сари интилган, сабр-қаноатли бўлган ҳар бир киши ҳеч қачон назардан четда қолмаслигига яна бир бор ишондим.

Италиянинг "La Nostra Gazzetta" ҳафтаномасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг 2010 йил 12 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисида сўзлаган маърузасига бағишланган "Ўзбекистон Президенти демократик ислохотларни чуқурлаштиришда" сарлавҳали мақола чоп этилди. Мақолада таъкидланганича, Ўзбекистон раҳбари илгари сурган Концепциянинг амалга оширилиши мамлакатда сиёсий партиялар ролини кучайтиришга, суд-ҳуқуқ тизими ҳамда сайлов қонучилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, ёшларни турли зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ўтказилган "Алкогол ва тамаки маҳсулотлари истеъмолчини чеклаш — соғлом жамият қафолати" мавзудаги давра суҳбатда ана шу хусусда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг 2010 йил якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳага оид Ўзбекистон Республикаси қонунари, Президентимиз фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг солиқ органлари томонидан ижроси муҳокама қилинди.

Пойтахтимизда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий семинари бошланди.

Навоний вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг 2010 йил 12 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзудаги маърузасини ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тошкентда Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг йиғилиши ўтказилди. Унда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

"Бухоро" халқаро аэропорти "ISO 9001:2008" халқаро сифат сертификатига муносиб деб топилди. Аэропорт учун берилган ушбу нуфузли сертификат унинг дунёдаги энг йирик авиакомпаниялар билан ҳамкорлигини янада кучайтиради.

...Аскарлик бурчимни оқлаб қайтаётганимда алоқа соҳасида ишлашни ният қилдим. Кўнгида тутилган бу орзуга қанот бוגлаб Тошкент алоқа политехникумига ҳужжатларимни топширдим. Талабалик даври ҳам ортда қолди. Тез орада Сариосиё туман алоқа бўлимида электромеханик бўлиб ишлаш бошладим.

Ўшанда алоқа соҳаси фахрийси Абдижаббор Авазов жамоага раҳбар эди. Мени бир куни хўзурга чақириб: "Интилишларинг ёмон эмас. Шундай бўлса-да, Исмат Ражабов, Ўрол Жумаевдек тажрибали кишилардан кўпроқ ўрганавер" деб қолди. Маслаҳатта амал қилиб, номлари тилга олинган устозларга эргашиб ишлайвердим, кам бўлмадим, иззат-ҳурмат топдим. Туманда алоқа хизматини ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшдим.

Ҳозир коллеж талаба-ёшларига сеvimли соҳа сир-асрорларини пухта ўргатаймман. Уларга яхши мутахассис бўлиш мумкин, аммо ўрнат олишга арзигулик инсоний фазилатларни шакллантириш гоят

мушкуллигини тушунтираман. Берган сабоқларим самарасини шоғирдларим ҳаракатида кўрган чоғим қувониб қўяман.

Яқинда коллеж талаба-ёшларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир" мавзудаги маърузаси мазмун-моҳиятини тушунтиришга доир тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда мен ўз фикр-мулоҳазаларим билан иштирок этдим. Ўз навбатда, давлатимиз раҳбарининг "...биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этадиган, айнан шу қадриятлар устувор аҳамият касб этадиган аср" деган сўзларига алоҳида тўхталиб ўтдим.

Дарҳақиқат, бугун биз билим ва касб-хунарни эгаллаётган, Ватанимиз истиқлоли учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлод билан ҳамнафас

яшамоқдамиз. Тадбир қатнашчиларининг саволларига истиқлол йилларида рўй берган беизор ва беқиёс ўзгаришлар мисолида амалий жавоб беришга эришдим.

Кези келганда шунга таъкидлашни лозим деб биламанки, мен меҳнат қилаётган коллежда 1830 нафар ўқувчи ёшлар тахсил олишмоқда. Юз нафардан зиёд устоз-мураббийлар тўққиз йўналиш бўйича уларга билим ва касб-хунарга ўргатмоқда. Жаммо орасида алоқа соҳаси фахрийларидан бири сифатида ўрним борлигини ҳис этар эканман, мустақил ўқитим келажакга дахлдорлигим билан фахрланиб қўяман. Шу аснода шоғирдларимга берилаётган назарий билимни амалиёт асосида мустақамлашга ҳаракат қилишимиз. "Сурхондарё Телеком" филиалининг Узун телекоммуникациялар боғламаси ҳаёти ёшларимизга жуда таниш бўлиб қолган. Улар замонавий электрон рақамли телефон станциялари имкониятларини чуқур ўрганишар экан, хорижлик ҳамкорлар билан хайри иш йўлга қўйилганини ҳис этишмоқда.

Хулоса — бугунги кунда мустақил Ватанда интилган ва изланган киши асло кам бўлмайди. Бу ҳақиқатни ўз ҳаётимда кўриб турган эканман, бир бахтли фуқаро сифатида фахрланишга ҳақлиман.

Маҳмадраҳим ЕҚУБОВ,
Узун маънавий хизмат кўрсатиш касб-хунарга коллежи ўқитувчиси

Мардлар кўриқлайди Ватанни

Юртимиз мустақиллигининг илк йилларидаёқ мухтарам Президентимиз раҳбарлигида ҳозирги замоннинг барча талабларига жавоб бера оладиган Куролли Кучларимизни барпо этишга киришилган эди. Тинччилигимиз, осойишталигимизнинг кафолати бўлган миллий армиямизнинг вужудга келиши мустақилликнинг энг муҳим кафолати бўлган ютуқларидан бири деб эътироф этилади.

Ҳозирги Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш бу йигитлар учун бурч бўлиши билан бирга, фахр-ифтихор ҳамдир. Азал-азалдан маълум бир нақл бор: "Мардлар кўриқлайди — Ватанни".

Шу муносабат билан А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда сержантлар тайёрлаш мактаби ҳамкорликда 2011 йилнинг 11 январ куни "Мардлар кўриқлайди — Ватанни" мавзусида давра суҳбати ва билагон аскарлар беллашуви ташкил этилди. Бунда 60га яқин сержант ва аскарлар иштирок этилди. АКМ ходимлари Зарифа Шарапова, Нозигул Ҳазратқулваловлар томонидан олиб борилган тадбир жуда қизиқарли баҳс-мунозараларга бой тарзди ўтди. Фаол ва билагон ҳарбийларга АКМнинг махсус совғалари тақдим этилди.

"Матбуот тарқатувчи" АКда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, ёш шоирлар Дилфуза Маҳкамова ва Зебо Нурматова иштирок этди. Ёш шоирлар ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Марғилон шахрининг Бурхониддин Марғиновий кўчасида ёш тадбиркор Асилжон Обиджонов шахар ёшларига қулайлик яратиш ниятида интернет-кафе очди. Бу ерда сўнгги русумдаги 25та компьютердан фойдаланиш, интернетга уланиб, дунёнинг исталган мамлақати билан мулоқот қилиши мумкин.

Ёш тадбиркор ташаббуси

Интернет-кафеда мижозлар ҳужжатлардан нусха кўчиришлари, факсдан фойдаланишлари, уяли телефонларга мусиқа, расм, турли ўйинларни ёздиринишлари, уяли телефонлар тўловларини амалга оширишлари мумкин. Шунингдек, бу ерда уяли телефонларни сотиш, таъмирлаш каби хизматларни амалга ошириш ишлари йўлга қўйилган.

Интернет-кафе мебеллар (юмшоқ диван, кресло), зарур асбоб-ускуналар, ахборот технологиялари билан жиҳозланган. Таъкиллаш зарурки, бу ерда мижозлар учун барча имконият ва қулайликлар яратилган. Элга хизмат кўрсатишга бел боғлаган шундай тадбиркорлар сафи бундан-да кенгайверсин.

Мухаммадҷон МАҲМУДОВ

Диккат, янги рукн!

Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб "DEPUTAT MINBARI" рукни остида қонунчилигимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид қонунчилик такомиллашувига бағишланган мақолалар чоп этиб борилади.



РЕКЛАМА:

Хар қандай қонунчилик такомили юрт манфаатларига хизмат қилади



Муаллиф ҳақида

Шухрат ДЕҲҚОНОВ – 1993 йили Тошкент Давлат университети; 2008 йили Наманган Давлат университети; 2009 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Мутахассислиги – журналист, ҳуқуқшунос. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлод соғлом турмуш тарзи тамойилларини, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарларнинг маъно-мазмунини, унинг аҳамиятини теран англаб етиши учун барча механизмлар ишга солинмоқда. Бу борада қонунчилигимизда амалга оширилаётган ислохотлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Хар қандай қонуннинг мукамаллиги унинг қай даражада ижро этилаётгани билан боғлиқ. Агар қонунда белгиланган нормалар бузилаётган бўлса, демак, у давр талабига мос эмас.

Айтиш жоизки, 2010 йил 17 сентябрдан мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-1-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди.

Реклама муносабатларини тартибга солувчи ушбу қонун рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни изга солади. Маълумки, реклама муносабатлари, асосан, жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида асосий омил ҳисобланган талбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга фойда кўриш учун қилинган ҳаракатнинг самарали бўлишида ҳамда истеъмол маданиятининг юксалишида восита сифатида юзага чиққан. Маълумки, товар ишлаб чиқарувчи ёки бирор-бир хизмат кўрсатувчи субъект маҳсулотига истеъмолчини қизиқтириш учун рекламалар фойдаланади. Бозор муносабатлари тобора ривожланиб бораётган ҳозирги даврда рекламасиз бозор иқтисодиёти маълум маънода ўз моҳиятини йўқотади ва ҳақиқий кўриниш касб этмайди. Бир сўз билан айтганда, реклама бозор тизимини қарор топтиришда катта аҳамиятга эга.

Қонун устуворлиги бозор иқтисодиёти ривожланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг Президентимиз томонидан белгилаб берилган асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Шу боис, реклама ҳам бошқа барча фаолият турлари сингари фақат қонун доирасида амалга оширилиши шарт. Реклама бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ажралмас қисми сифатида нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга эканини англаш муҳимдир. У юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти ёки ишлар чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида хабардор қилиш воситаларидан бири бўлиб, биринчи навбатда, истеъмол талабини рағбатлантириш ҳамда талбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллашти-

ришга хизмат қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги Қонуни рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Ушбу қонуннинг вазифаси рекламанинг давлат ва жамоат манфаатлари, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэътироф этилган нормалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг обрў-эътибори, атроф-муҳитга тажовузидан ҳимояланиш чораларини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам реклама фаолияти ижтимоий йўналтирилганлик хусусиятига эга бўлиши қонуний жиҳатдан таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш давомида амалдаги «Реклама тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этди.

Мазкур қонун лойиҳаси устида ишлаш жараёнида хоржиқ тажриба ўрганилди, реклама соҳасини ривожлантиришда бирон-бир тўсиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш ҳамда ушбу соҳадаги амалиётнинг мавжуд метёрий талабларга мувофиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Қонунга кири-

Илгари Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси жарима санкциялари йўқлиги туфайли кўрсатмалар бериш билан чекланар ва бу қутилган эса бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-1-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда фуқаролар ва мансабдор шахсларга мазкур қонунбузарликлар учун жарима санкциялари назарда тутилган.



лар асосан, тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар рекламасини бутунлай тақиқлаш, ноқонуний ва ғирром рақобатдан талбиркорларни муҳофазалаш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Жумладан, ушбу товарлар намуналарини текин тарқатиш, уларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган талбирларга ҳомийлик қилиш, уларнинг номи, белгиси ёки тасвири туширилган турли маҳсулотларни тарқатиш, шунингдек, сотиш, савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортда кириш) жойларида, витриналарда, ташқарига олиб чи-

қиладиган буюмларда ҳамда бошқа жойларда тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларнинг тасвирлари, номларини ҳамда улар ҳақидаги бошқа ахборотни ўрнатиш тақиқланди.

Мазкур қонуний чора аҳолиснинг 40 фоизидан ортигини 18 ёшгача, 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қиладиган мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳнамолигида аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг саломатлигини яхшилаш, баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Аммо тамаки ва алкоғолли ичимликларнинг истеъмолчиларда ушбу товарларни харид қилиш истагини уйғотадиган чиройли ҳамда ёрқин рекламаси ушбу мақсад-вазифаларга зиддир.

Тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлигига етказадиган зарари ҳақда гапирмас ҳам бўлади. Шу боис, уларнинг рекламаси аксидижимой ҳисобланади, уни тақиқлаш эса халқимиз келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг асоси эканининг яна бир ёрқин намунаси-дир. Мазкур ҳуқуқий норманинг амалга оширилиши мамлакатимизда ҳар тарафлама етук ва қомил шахсни қамол топтириш бўйича кенг қўламли ишларни бажариш фарзандларимизни зарарли одатлардан асрашга ёрдам беради.

ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш учун қўшимча шароитлар яратлади. Афсуски, айни пайтгача кўплаб ҳўжалик субъектлари рекламанинг турли услубларидан фойдаланиб, алкоғол маҳсулотларининг ўсиб келаётган ёш авлод ва миллий қадриятларимизга таъсирини инobatта олмасдан, уларни бозорда сотиб келди. Бундан ташқари, ароқ ва тамаки маҳсулотларини бошқа товарлар, хизматлар, кўнгилочар талбирлар рекламаси кўринишида тарғиб қилиш ҳолатлари ҳам кўп учрайди.

Масалан, минерал сув ва бошқа товарларнинг ташқи рекламаси тамаки маҳсулотлари ҳамда алкоғол ичимликларнинг номи ва белгиларидан фойдаланган ҳолда жойлаштирилган ҳолатлар мавжуд. Энди қонунга мувофиқ, жамиятимиз ҳаёти нормаларига зид бўлган бундай ғайриахлоқий бизнесга қонуний асосда чек қўйилди.

Қонунни қабул қилиш — бу ишнинг ярми дегани, муҳими, унга амал қилинишига эришишдир. Бунинг учун янги нормалардан мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси — талбиркорлар, реклама тайёрловчилар, истеъмолчилар хабардор бўлишлари зарур. Шу сабабли бугун оммавий ахборот воситаларида, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини кенг ташкил этиш долзарб вазифа саналади. Ўзбекистон Республикаси

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 268-1-моддасига биноан, реклама соҳасидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасига юкланган. Мазкур органга аниқланган қонунбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, қабул қилинган қонун ижросини таъминлаш маҳаллий ҳокимият органлари масъулиятига ҳам киради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси эса назорат-таҳлил тартибда ушбу қонун ижроси мониторингини олиб боради.

Умуман, янги қонун реклама соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган. Мисол учун, «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига рекламада ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, истеъмолчиларни жалғатадиган, бинобарин, уларнинг ҳуқуқларини камситадиган хоржиқ сўз ва иборалардан фойдаланишни тақиқловчи қўшимчалар киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, реклама берувчилар реклама қилинаётган товарга нисбатан талабни ошириш мақсадида кўпинча маҳсулот давлат органлари, масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат стандартлаштириш қўмитаси томонидан маъқуullanгани ёки тавсия этилганини кўрсатадилар. Энди бу қонун йўли билан тақиқланди. Ахир, саломатлик ва бозордаги соғлом рақобат, энг аввало, давлат тузилмалари ва уларнинг мансабдор шахслари мавқеидан фойдаланишга эмас, балки тақлиф этилаётган товарларнинг сифатини яхшилашга асосла-ниши даркор.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

Xalqaro hayot



БЕЛАРУСЛИК АМАЛДОРЛАР "ҚОРА РҲҲАТ"ДА

Беларус президенти Лукашенко ва мамлакатнинг бир қатор амалдорлари Полшанинг "қора рўйхати"га киритилди ва уларга Полшага кириш тақиқлаб қўйилди.

ПАП агентлигининг Полша ташқи ишлар вазирилик маълумотида таяниб тарқатган хабарига кўра, рўйхатда президентдан ташқари, беларус судялари, прокурорлари, мухолифатни таъқиб остига олишга масъул шахслар фамилиялари бор. Норасмий маълумотларга кўра, рўйхатга жами юз нафарга яқин шахс киритилган. Бу чекловлар Минскда ўтган йилнинг 19 декабрида бўлиб ўтган Беларус президентлигига сайловлар кунда мухолифатни тарқатиб юбориш воқеаси билан боғлиқдир. Полша оммавий ахборот воситалари хабар тарқатишича, "қора рўйхат"га киритилганларга виза берилмайди.

Бундан аввалроқ Полша президенти Бронислав Коморовский президентлик сайловларидан сўнг мухолифатчилар акцияси қувғинга олинганини қатъий муҳокама қилган, шунингдек, президентликка номзодларга нисбатан шафқатсизлик қилингани хусусида далиллар келтирган эди.

Беларус ташқи ишлар вазири Сергей Мартин, ўз навбатида, агар Полша ўз худудига беларуслик ҳукумат вакилларининг киришини тақиқлаш ҳақида қарор қабул қилса, Беларус ҳам бунга жавобан керакли қондалар қабул қилишини маълум қилди.

БРАЗИЛИЯДА СУВ ТОШҚИНИ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро штатида юз берган сув тошқини ва ер ўпирилиши натижасида 711 киши ҳаётдан кўз юмган. Икки юзга яқин киши бедарак йўқолган. Мамлакат ҳукумати барча қурбон бўлганларни топишга ҳаракат қилмоқда, ammo бу осон кечмаяпти.

Сув тошқинидан азият чекканларга ёрдам бериш учун бутун мамлакат бўйлаб кўнгиллилар тўпланмоқда.

ТУНИС: ТАРТИБСИЗЛИКЛАР 1,6 МЛРД. ЕВРО ЗАРАР КЕЛТИРДИ

Анча кун давом этган оммавий тартибсизликлар Тунисга 1,6 млрд. евро (2,2 миллиард доллар)га тушди. Бу ҳақда мамлакат ички ишлар вазири Аҳмад Фриа АФР агентлигига маълум қилган. Агентлик ҳисобига кўра, Фриа тилга олган зарар суммаси Тунис ялпи ички маҳсулотининг тахминан тўрт фоизига тенг. Вази йўқотилган кўрсаткичларнинг учдан икки қисми норозилик акциялари сабаб корхоналар ишига берилган халақитлар, учинчи қисми эса экспортдан тушадиган фойданинг бой берилгани ҳисобига тўғри келишини билдирган.

Декабр сўнгида ишсизлик, юқори нарх-наво ва бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқарган халқ норозилиги Тунис иқтисодиётини сезиларли издан чиқариб қўйди. Айниқса, мамлакат ЯИМнинг 6,5 фоизини ташкил этадиган туризм соҳаси жиддий зарар кўрди. Иқтисодиётнинг ушбу тармоғи мамлакат аҳолисининг 350 мингини иш билан таъминлайди.

Тартибсизликлар натижасида 70дан ортиқ киши вафот этди. Туниснинг собиқ президенти Зин ал-Абидин Бен Али хорижга қочиб кетди. Айни дамда мамлакат ҳукумати вақтинчалик президент — парламент спикери Фуэд Мезаб қўлида.

САВДО МАРКАЗИДА ЁНҒИН

Xinhua агентлигининг хабар беришича, Хитойнинг Хубей провинцияси маъмурий маркази ҳисобланган Ухан шаҳридаги «Цяокан» савдо марказида жуда катта ёнғин содир бўлган. Оқибатда 14 киши қурбон бўлган, яна тўрт киши куйиш жароҳатини олган.

Савдо маркази тўрт қаватли бинонинг пастки қаватида жойлашган бўлиб, учта қаватини омборхона ва хонадонлар эгаллаган эди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

BIZNES

LENOVO МОБИЛ БОЗОРДА

Жаҳон компьютер бозорига тўртинчи ўринда бораётган Хитойнинг Lenovo Group компанияси ўз таркибида мобил ва планшет қурилмалар ишлаб чиқариш бўлимини ташкил этишини маълум қилди.

Компания хабар беришича, янги бўлим — Mobile Internet ва Digital Home Division планшетлар, смартфонлар ва хонадон электроникаси учун веб-улашиллар — янги авлод телевизорлари, йўлдошли ресиверлар, ўйин қурилмалари ва ҳоказорни ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

ЯҚИН ШАРҚҚА 2,7 МИЛЛИАРД САРМОЯ

Intel корпорацияси икки йил давомида Исроилдаги микропроцессорлар заводи учун 2,7 миллиард доллар инвестиция киритмоқчи.

Компаниянинг хабар беришича, 22 нанометрлик бу завод замонавий чиплар ишлаб чиқарувчи дунёдаги иккинчи йирик заводга айланади. Исроилдаги заводда ишловчилар сони 7057 кишидан иборат бўлиб, йил давомида яна минг кишини ишга олиш режалаштирилган.

INTERNET

NETCRAFT ҲИСОБОТИ

Netcraft аналитик компанияси интернетдаги сайтлар сонига доир ҳисоботини тақдим этди. Унга кўра, 2011 йил январ ойига келиб фаолиятда бўлган сайтлар сони 273 301 445тани ташкил қилган.

Apache веб-сервери танҳо етакчилиكنи сақлаб турибди (сайтларнинг 59,13 фоизи), бир ойда унинг мижозлари 10,1 миллионга сайт ҳисобига кўпайди. Apache базаси АҚШ ва Германия сайтлари ҳисобига кенгайган.

Дастурий веб-серверлар орасида энг яхши ижобий ўсишни россияликлар ишлаб чиққан nginx сервери қайд этди: 0,88 фоиз ёки 3,59 миллионга янги сайт. Ҳозир жаҳон сайтларининг 7,50 фоизига мазкур сервер хизмат кўрсатаяпти.

"ОЗОДЛИК ОРОЛИДА" ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛАШАДИ

Куба яқинда АҚШ кўмагисиз ҳам юқори тезликдаги интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлади. Феврал ойида "Озодлик ороли"ни Венесуэла билан боғловчи магистрал интернет-канал ишга туширилиши режалаштирилган.

Reuters агентлиги хабарига айтилишича, Кубадан Венесуэлага кабел тортаётган француз компанияси узунлиги 995 денгиз мили узунлигидаги магистрал кабел ётқизишни шу ҳафта охирида якунига етказди. Тест-синов ишлари 8 февралга мўлжалланган.

Маълумотларга кўра, янги магистралдан кўшини ороллар — Ямайка, Гаити ва Тринидад ҳам фойдаланади.

JAMIYAT

КИССАВУРЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Лондон полицияси расмий баёнотида айтилишича, қимматбаҳо смартфонларнинг кўпайиши натижасида Британия пойтахти кўчаларида ўғриликлар сони кўпайиб кетган.

Полиция хабарига кўра, мобил телефонлар ўғирлигини бўйича тилла тақинчоқлардан кейин туради. Ўтган йили Лондон кўчаларида 32 мингга ўғирлик содир этилган, бу 2009 йилдагидан 8 фоиз кўпдир, ўғирланган телефонлар сони эса 13,4 мингтани ташкил этган, бу бир йил олдингидан 22 фоизга кўпдир.

2010 йилда лондонликлар ўғирланган мобил телефонларнинг умумий қиймати 2,5 миллион фунт-стерлингга баҳоланмоқда.

TEKNOLOGIYALAR

БАРМОҚ СКАНЕРИ

Американинг Advanced Optical Systems компанияси инсон бармоғи изини икки метрдан аниқловчи AIRprint қурилмасини ишлаб чиқди.

AIRprint қутбланган ёруғлик манбаи ва иккита 1,3 мегапикселли камера билан таъминланган.

Advanced Optical қурилмаси бир қатор махсус хизматларни ва кишилар шахсини тез аниқлаш истагида бўлган оддий ташкилотларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

QURILMALAR

MOTOROLA XOOMGA ҚИЗИҚИШ КАТТА

Motorola компанияси Лас-Вегасдаги Consumer Electronic Show (CES 2011) кўргазмасида Android 3.0 (Honeycomb) амалиёт тизимига асосланган, икки ядроли 1 ГГц NVIDIA Tegra 2 процессори ўрнатилган 10,1-дюймли планшет-компютерини тақдим этганди. Ўзига хос томони, унга электрон барометр ҳам ўрнатилган.

Барометр атмосфера босими кўрсаткичлари ва денгиз сатҳидан баландлик асосида маҳаллий об-ҳаво шароитини аниқлашда қўл келади.

CES 2011да компаниялар 80дан ортиқ планшетларни намойиш этишди, бироқ мутахассислар наздида энг катта қизиқиш Motorola Xoomга бўлди.



(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

**Data center ўзи нима?
Унинг тарихи**

Маълумотлар маркази (data center -инглизча) — сервер ва коммуникация ускуналарини жойлаштириш (хостинг) ва интернет каналларига улаш учун мўлжалланган махсус жой. У ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш вазифасини бажаради.

Data centerлар тарихи компьютер саноати юзага келиши билан боғлиқ. У вақтларда компьютер тизимларини бошқариш мураккаб бўлган ва ишлаш учун алоҳида шарт-шароитлар талаб қилинган. Чунки компьютерлар катта майдонни эгаллаб, турли компонентларга улашни учун кўплаб симлар зарур бўлган. Компютер хоналарида одатий сервер жавонлари, фалшполлар ва кабел каналлари ишлатилган. Бундан ташқари, бу каби тармоқлар кўп энергия талаб қилган ва ускунани доимий равишда совутиб туриш лозим бўлган. Хавфсизлик ҳам муҳим ўрин тутарди — ускуналар жуда қиммат ва кўп ҳолатларда ҳарбий мақсадларда фойдаланилади.

Компютер саноатининг жадал ривож вазиятини бир оз ўзгартирди. Энди компютерлардан омвий тарзда фойдалана бошланди. Натигада маълумотларни умумлаштирилган тарзда сақлаш зарурати туғилди ва 2000-йилларда маълумотлар марказларининг кескин ривожланиши даври бошланди. Компанияларга интернетга юқори тезликда уландилган ва узлуксиз ишлашини таъминлай оладиган ишончли ускуналар керак эди. Бу вазифаларни бажара оладиган ускуналарни ўрнатишга ҳамма компаниянинг ҳам қурби етмасди. Ўшандан бошлаб компютер тизимларини жойлаштириш ва эксплуатация қилиш учун зарурий ечимларга эга алоҳида йирик махсус бинолар қурила бошланди. Йирик тизимларнинг макони ва амалиёт талаблари масалаларини ечиш учун янги технологиялар тараққий эта борди.

Ҳозирги кунда Data centerларни лойиҳалаш ва қуриш — яхши тадқиқ қилинган соҳа ҳисобланади. Маълумотлар марказини лойиҳалаштириш учун меъёрий талаблар ва стандартлар ишлаб чиқилган. Data center қурилиш ва хизмат кўрсатишда катта харажатларни талаб этади. Мисол учун, 10, 800 кв.м худудда жойлашган Amazon.com маълумотлар маркази 100 млн. \$га баҳоланади.

**Ўзбекистон худудидаги
Data centerлар**

Мамлакатимизда ҳам Data center техник майдонлари ишга туширилган. Биринчи бўлиб, UZINFOCOM маркази томонидан 2009 йил мартда ушбу майдон ташкил этилган бўлса, 2010 йилнинг ўрталарида “Ўзбектелеком” АК «UzNet» филиалининг маълумотлар маркази ишга туширилди.

UZINFOCOM Маълумотлар маркази — ахборот-коммуникация инфратузилмаларини жойлаштириш учун ишончли техник майдонча сифатида эътироф этилади. Маълумотлар марказининг технологик ечимлари буюртмачиларга хизматлардан юқори даражада фойдаланишни, инфратузилма фаолиятини узлуксиз таъминлашни ҳамда энергияталаб дастур ва ресурслар эҳтиёжини қондиришни кафолатлайди.

Дата-марказнинг алоқа каналлари

орқали интернет тармоғининг ахборот ресурсларига тезкор кириш имкони ҳамда мижоз сервер мосламаларининг узлуксиз фаолияти таъминланган. Техник майдонча барча тизим ва хизматлар фаолиятини таъминловчи узлуксиз электр таъминоти билан жиҳозланган. Шу билан бирга, марказ серверлар ва тармоқ мосламаларини қизиб кетишидан сақловчи иқлим назорати тизимига эга.

Маълумотлар марказида жаҳоннинг етакчи Cisco, HP, FS ва TP-Link каби ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларидан фойдаланилади. Бугун-

лик тизимлари бўйича бунга тенг келадиган ёки таққослаб бўладиган инвестицияларни киритиш унча-мунча компанияларнинг қўлидан келмайди.

Иккинчидан, бир-иккита асосий бизнес-иловага эгалик қилаётган ва ҳисоблаш ҳажмлари нисбатан унча катта бўлмаган компаниялар учун йирик Маълумотлар марказида майдонни ижарага олиш барча тегишли муҳандислик тизимлари билан жиҳозланган, захира алоқа каналларига эга бўлган майдончаларни яратишдан кўра иқтисодий жиҳатдан анча самаралидир. Бундан ташқари,

озод этиб, уларни ахборот ресурсларини жойлаштириш ва фаолият юритиши билан боғлиқ муаммолардан ҳоли этади. Бундай комплекс ечим мижозлар учун мавжуд бўлган турли дастурий модульлардан фойдаланиш орқали ўз куч ва ресурсларини ахборот хизматларини шакллантириш ва жадаллаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, UZINFOCOM маркази таркибидаги компютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати UZ-CERT технологик майдончада жойлашган ресурсларни етарли даражада хавфсизлигини таъминлайди.

**Маълумот сақлашда
ишончли майдон**

ДАТАЦЕНТР UZINFOCOM 50 108 8 000 4 000

- Лойиҳа ҳақида
- Веб-хостинг хизмати
- Co-location хизмати
- Боғланиш

ги кунда UZINFOCOM Маълумотлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот маркази, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Солиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хоразм, Андижон, Навоий вилоятлари ҳокимликлари каби бир қатор давлат органларининг ахборот ресурслари жойлашган.

ФАКТ
UZINFOCOM Маълумотлар маркази худудда жойлашган умумий сайтлар сони 904гани ташкил этади.

UZINFOCOM Маълумотлар марказида UZ-CERT серверлари, ZijoNet тармоғи мосламалари, шунингдек, портали, WWW.UZ миллий қидирув тизими серверлари, UZ домен зонаси юқори бўғин ўзак серверлари, электрон тўловлар тизими провайдерлари ва операторларининг серверлари жойлашган.

Маълумотлар марказидан фойдаланишнинг афзалликлари нимадан иборат?

Мутахассисларнинг фикрича, биринчидан, йирик Маълумотлар маркази техник жиҳатдан жуда мукамал жиҳозланган ва ўта ишончлидир. Аввалбошланоқ мазкур марказлар катта сонли ҳисоблаш тизимларини жойлаштирилишига мўлжалланган бўлиб, буюртмачи томонидан ишончлилик ва муҳофазаланганлик бўйича қўйилган қатъий талабларга мувофиқ равишда барпо этилган.

Уларда кенг миқёси ва ишончли муҳандислик тизимлари (сунъий иқлим ҳосил қилиш, узлуксиз электр таъминоти), хавфсизлик тизимлари, захира алоқа каналлари йўлга қўйилган ва ҳ.к. Муҳандислик ва хавфсиз-

компания қиймати анча юқори бўлган ҳисоблаш маркази учун майдон ажратишдан қутулади. Ва ниҳоят, компаниянинг Маълумотлар маркази унинг ахборот тизимларининг келажақдаги ривожига мўлжалланиб барпо этилиши лозим, яъни бошланғич босқичларда майдонларнинг бир қисми ишсиз ётади. Ижарадан фойдаланилганда эса бунга ўхшаш узоқ муддатли ва катта миқдордаги сармояларга эҳтиёж қолмайди.

UZINFOCOM маркази Маълумотлар маркази турли алоқа боғламаларига (каналларига) уланган ва мижозлар учун халқаро маълумотлар узатиш ҳамда миллий TAS-IX тармоқларига сифатли ва юқори тезликда уланиш имкониятини беради. Хона-

лардаги қулай иқлим шароити иқлим-назорат ва бир-бирини тасдиқловчи сунъий иқлим қурилмаси тизими орқали таъминланади. Маълумотлар маркази объектлари куну тун кўрикланади ҳамда хавфсизлик тизимлари, киришга рухсат беришни назорат қилувчи мосламалар ҳамда видеокузатув тизимлари билан жиҳозланган. Ускуналарнинг узлуксиз ишини таъминлаш мақсадида Маълумотлар маркази дизелли генераторлар билан жиҳозланган.

Бугунги кунда UZINFOCOM Маълумотлар маркази қатор хизматларни тақдим этмоқда.

Веб-хостинг

Ушбу технологик майдонча шу каби мажмуаларга қўйиладиган барча талабларга жавоб беради: маълумотларни сақлаш ва уларнинг яхлитлигини таъминлаш, маълумотлар сақлашни захиралаш, 24 соат давомида доимий техник хизмат кўрсатиш.

Ягона текширилган дастурий таъминотдан фойдаланиш мижозларга дастурларни яратиш заруриятдан

Техник майдонча ускуналарининг умумий қуввати ҳозирги кунда 11та сервер, жами частотаси 42 ГГц бўлган 14та процессор, 26 Гбайт оператив хотира мосламаси ва 4 Тбайт бўлган диск маконидан иборат.

Эътиборли жиҳати — веб-хостинг хизмати тарифлари 2010 йилнинг августидан 50 фоизга арзонлаштирилган.

Co-location

Бу интернет билан боғланиш ва сервер мосламаларини жойлаштириш бўйича қатъий белгиланган хизматлар жамламасидир. Марказ мижоз мосламаларини ўзининг худудида (Датамарказ) жойлаштиради ва уни юқори тезликдаги алоқа каналларига улайди. Co-location хизмати мижоз мосламаси базасида исталган сервер иловасини жойлаштириш имконини беради.

Virtual Private Server

VPS — сервернинг қафолатланган ва лимитлаштирилган қисмларини бериш. Одатий хостингдан фойдаланилганда серверда 100дан ортиқ сайтлар бўлади ва улар сервер ресурсини ўзаро тақсимлайди. VPSдан фойдаланилганда эса сайт алоҳида ажратилган сервер-контейнер орқали хизмат кўрсатади. Бу сайтнинг барқарор фаолият кўрсатишини кафолатлайди.

Алоҳида ажратилган жой

Қатъий ички хавфсизлик меъёрларига эга бўлган махсус мижозлар учун технологик майдончаларнинг бир қисмини бериш.

UZINFOCOM Маълумотлар маркази ишга туширилгандан буён мижозларни жалб қилиш ва уларга кенгроқ қулайликлар яратишни кўзлаб бир қатор янгиликларга қўл уряпти. Нархларнинг икки бараварга арзонлаштирилгани юқорида айтиб ўтилди, ўтган бир hafta ичида эса яна иккита янгиликка қўл урилди. Биринчиси, VPS хизматининг тўлиқ йўлга қўйилгани бўлса, иккинчиси Дата-марказ хизматларига тўловни интерактив тарзда амалга ошириш имкони яратилганидир. Эндиликда WEBSUM электрон тўлов тизими орқали уйдан ёки ишондан хизматлар ҳаққини амалга ошириш мумкин.

Луффило ТУРСУНОВ

P.S. Газетамизнинг кейинги сонида “Ўзбектелеком” АК «UzNet» филиалининг Дата-маркази ҳақида маълумот берамиз.

ПОДВЕДЕНЫ ИТОГИ

деятельности комитета по почтовой связи за 2010 год

12 января 2011 года в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялось заседание Комитета по почтовой связи. На заседании были подведены итоги деятельности Комитета за 2010 год.

Деятельность Комитета осуществлялась в соответствии с «Регламентом работы Комитета по почтовой связи Узбекского агентства связи и информатизации», утвержденным приказом УзАСИ № 43 от 29.01.2010г. и планом работы Комитета на 2010 год, утвержденным председателем Комитета по почтовой связи, заместителем Генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А. Ходжаевым 16.01.2010г.

В состав Комитета входят руководители и специалисты Узбекского агентства связи и информатизации, ГУП «UNICON.UZ», Государственной инспекции связи, ОАО «Узбекистон почтаси», Ташкентского университета информационных технологий. Для участия в заседаниях приглашались представители ООО «EMS FALCON».

На заседаниях заслушана информация ответственных исполнителей по выполнению мероприятий в рамках реализации Программы Найробийской почтовой стратегии, принятой на 24-м Конгрессе Всемирного почтового

союза (Швейцария, Женева, 2008г.), Программы модернизации сети почтовой связи, развития и внедрения новых видов услуг на базе информационно-коммуникационных технологий до 2010г., утвержденной постановлением Кабинета Министров от 19.05.2005г. №128 и Программы рекламно-маркетинговых мероприятий ОАО «Узбекистон почтаси» на 2010-2012гг., утвержденной генеральным директором ОАО «Узбекистон почтаси» Р. Касымовым 5.01.2010г.

В рамках взаимодействия с Всемирным почтовым союзом (ВПС), Региональным содружеством в области связи (РСС) на заседаниях Комитета рассмотрены и обсуждены Региональный план почтового развития ВПС для стран Европы и СНГ на 2009-2012гг. и Концепция развития международной экспресс-почты в рамках РСС (ЕМС-РСС). Выработана позиция Администрации связи Республики Узбекистан по:

- повестке дня Стратегической конференции ВПС (Найроби, Кения, 22-23 сентября, 2010г.);

- материалам 30/19 Совместного заседания Комиссии по почтовой связи и Совета операторов почтовой связи РСС (Казахстан, Астана, 4 марта 2010г.); повестке дня совместного 31-го заседания Комиссии РСС по почтовой связи и 20-го Юбилейного Совещания Совета операторов почтовой связи РСС (Молдова, Кишинёв, 26 августа 2010г.);

- программам международных семинаров: «Улучшение качества службы», «Развитие рынков и почтовых услуг с учетом ожиданий клиентов» и «Развитие и укрепление услуг почтовых платежей».

Заслушаны и одобрены с учетом предложений членов Комитета промежуточные отчеты по научно-исследовательским работам, проводимым ГУП «UNICON.UZ» по следующим темам:

- «Исследование показателей качества услуг почтовой связи и разработка их нормативов»;

- «Мониторинг плана направления международной письменной корреспонденции ОАО «Узбекистон почтаси» и разработка плана направления для выполнения требований всемирного стандарта качества по письменной корреспонденции»;

- «Анализ методов автоматизации производственных процессов на базе современных машин и оборудования

почтовой связи»; Разработка учебника по курсу «Организация и планирование почтовой связи»; «Подготовка вклада Республики Узбекистан в материалы XXV Конгресса ВПС (Доха, 2012г.);

- Разработка учебного пособия «Автоматизированные информационные системы в почтовой связи».

Членами Комитета рассмотрены и представлены предложения по проектам нормативных документов:

- «Правила оказания услуг почтовой связи»;

- «Положение о специальных знаках отличия транспортных средств, предназначенных для перевозки почтовых, курьерских отправлений, а также денежных средств»;

- «Порядок оборудования транспортных средств, предназначенных для перевозки почтовых, курьерских отправлений, а также денежных средств».

На заседании одобрены План работы Комитета по почтовой связи на 2011 год и Программа работ по реализации Найробийской почтовой стратегии на 2011 год.

По итогам заседания Комитета по почтовой связи приняты соответствующие решения.

Пресс-служба УзАСИ

18 января 2011 года в УзАСИ состоялось третье заседание Экспертного совета в области технического регулирования в сфере связи и информатизации. Вел заседание первый заместитель Генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А.А.Ишанходжаев.



ПРОВЕДЕНО ОЧЕРЕДНОЕ ЗАСЕДАНИЕ

Экспертного совета в области технического регулирования в сфере связи и информатизации

На заседании Экспертного совета обсуждались вопросы: структура и содержание специального технического регламента «Требования к инфраструктуре открытых ключей»; проект общего технического регламента «Об электромагнитной совместимости»; структура и содержание общего технического регламента «Требования к оборудованию телекоммуникаций»; структура и содержание специального технического регламента «Требования по обеспечению безопасности в почтовой связи».

Особое внимание уделялось проекту общего технического регламента «Об электромагнитной совместимости», так как имеет широкую область распространения и затрагивает интересы не только Узбекского агентства связи и информатизации, но и других министерств и ведомств Республики Узбекистан.

— Касбимдан асло нолимайман, бундай ҳунарим борлигидан, жамиятга, инсонларга нафим тегаётганидан ўзимни бахтли инсон деб ҳисоблайман, — дейди Ҳабибулла Раҳматуллаев. — Камтарона хизматларим тармоқ раҳбарияти томонидан муносиб қадрланиб, зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганидан хурсандман.

Биз ҳам қаҳрамонимизга йўлингиз доимо бехатар бўлсин, деймиз.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ

Диклат

Инсонларда умид бўлмаса эди, ҳаёт лаззати йўқоларди.

— Ҳозирги долзарб даврда, сир эмаски, кўпчилик пенсия жамғармаси хизмати ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас. Уларнинг назарида пенсия таъминоти хизматчилари фақатгина пенсия тайинлаш ишлари билан машғул, холос. Пенсия жамғармаси хизмати бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабхаларини камраб олган, тўғрими?

Соҳадаги янгиликлар самараси

— Жуда тўғри, Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қонун ижодкорлиги масаласида алоҳида эътибор қаратилиб, қабул қилинаётган қонунлар ижроси билан боғлиқ жараёни янада тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Айтиш жоизки, тизимда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, Пенсия жамғармаси туман бўлимлари фаолияти тубдан ўзгартирилди.

Хуқуқий давлат қуриш, демократик жамиятни шакллантириш жараёнида нафақат қонунчилик асослари, балки қонунлар ижросининг давлат бошқаруви тузилмалари, ижро ҳокимияти органлари билан бир қаторда, ҳар бир фуқаро томонидан таъминланиши муҳимдир.

Жамият ҳаётига фаол жалб этишни таъминлашга ёрдам берадиган услублар ҳаётга татбиқ этилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ижтимоий таъминот бўлимлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман бўлимлари номига ўзгартирилди. Бунда фақат хизматнинг номи ўзгартирилган қолмай, балки ҳар бир йўналишнинг мукамал, самарали ишлашига замин яратилди.

Аҳолига тартибли ва аниқ хизмат кўрсатиш, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш асосий мақсад қилиб олинди. Соҳадаги янгиликлар, Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунига киритилган ўзгаришлар Молия вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлимлари томонидан тарғиб этилган ҳолда аҳоли ўртасида ва туман ҳудудидаги қатор корхоналарда тушунтириш ишлари олиб борилиб, анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг Учтепа туман бўлими томонидан ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш, тўлов бўйича мониторинг хизматини ташкиллаштириш, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатиш каби вазифалар бажарилмоқда.

Пенсия тайинлаш учун топширилган маълумотларни компютер базасига киритиш, ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларнинг тақдим этилган корхоналар томонидан тўғри берилишини текшириш бўлим ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бўлимда ҳар ойда жами 31000 мингдан ортиқ пенсия ва нафақа олувчиларга 5 миллиарддан зиёд маблағ ўз вақтида молиялаштирилиб тўлаб берилмақда. Бу каби саъй-ҳаракатлар пенсия жамғармаси даромад ва харажатларининг мақсадсиз сарфланишини бартараф этишда катта аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш қийин эмас.

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадални кучайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонида асосан туман ҳудудида яшовчи 23568 нафар ёшга доир, 5203 нафар ногиронлик, 1668 нафар боқувчисини йўқотганлик, 1385 нафар ижтимоий нафақа олувчилар, жами 31874 нафар фуқаронинг пенсия, ижтимоий нафақа миқдорлари тезкор равишда қайта ҳисобланиб, тўлов ишлари амалга оширилди.

Бўлимнинг 30 нафар, жумладан, тизимда 10-20 йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётган ходимлари пенсия тайинлаш, пенсия тўлаш ва маблағларга эҳтиёжни аниқлаш гуруҳларида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Булар жумласига бўлим бошлиғи ўринбосари Х.Ниматжоннова, пенсия тўлаш мониторинг гуруҳидан Т.Сайфуллина, М.Мирзаева, М.Асилова, пенсия тайинлаш гуруҳидан Л.Низамеева, Г.Каримжоннова, М.Сайдаламова, маблағларга эҳтиёжни аниқлаш гуруҳидан Б.Абдураҳмонова ва Д.Қурбонвалар кирди.

Янгиликлар муносабати билан бошқарма ва унинг қуйи тизимидаги биноларни таъмирлаш ҳамда ободлаштириш, бўлимга компютер мосламалари ажратиш, янги жиҳозлар билан таъминлаш ва бўлим ходимларига етарли шарт-шароитлар яратиш ишлари олиб борилмоқда.

*Л.РИХСИЕВА,
Молия вазирлиги ҳузуридаги
Пенсия жамғармасининг
Учтепа туман бўлими бош
хуқуқшунос-маслаҳатчиси*

Интернет ҳозир ҳаётимизнинг барча жабҳаларида сув ва ҳаводек муҳим нарсага айланиб қолди, унинг имкониятлари жуда кўп нарсани енгиллаштирди, айниқса, ахборот соҳасида. Шу билан бирга, бу тизимнинг истеъмолчилари ҳам қундан-қунга кўпайиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда жаҳон бўйлаб 1,7 миллиардга яқин одам интернет хизматларидан фойдаланмоқда. Бу аудиториянинг катта қисми ёшлардан иборатлиги шубҳасиздир.

Таъкидлаш жоизки, имкониятлари улкан бўлган бу виртуал кенгликда ҳар хил ёшдагилар учун мўлжалланган веб-сайтлар мавжуд. Ушбу сайтлар орқали турли қизиқишлар бўйича ҳайвонотлар, ўйинлар, китоблар, ажойиботлар ва ҳоказо юзлаб ёш болаларнинг сайтларига ташриф буюриши мумкин. Уларда жойлаштирилган маълумотлар ҳам аудиториянинг ёшига ва қабул қилиш даражасига мослаштирилган.

Интернетдан тўғри фойдаланайлик

Мазкур виртуал тўғридан тўғри бошқа коммуникацион тизимларга нисбатан афзаллик томони — унинг мутлақ марказлашмаган ҳолда иш юрита олишидир. Оқибатда унинг фаолиятини давлат ёки бошқа турдаги уюшмалар назорат қилолмайди. Шунинг учун ҳозиргача бу «ўргимчак тўри» ишини тартибга солувчи бирор таъсирли қоида йўқ. Бунинг натижасида глобал тармоқда ишончсиз ва нохуш контентга эга бўлган сайтлар кўпайиб бормоқда. Яъни, бу тизимда миллиардлаб саҳифалар мавжуддир ва айтиб ўтиш лозимки, буларнинг ҳаммаси ҳам истеъмолчиларда яхши фикрни шакллантирмайди.

Маҳаллий ўспирин ёшлар-

нинг кўпчилиги компьютер клубларида ҳар хил ўйинлар билан машғул бўлишмоқда. Нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг деярли барча мамлакатларида вояга етмаган ёшлар интернетдаги вақтини асосан чат-хоналарга, онлайн ўйинларга, ҳар хил расмлар кўришга, мусиқа эшитишга сарфлар экан. Аммо, ёш ўспириннинг ўз ҳолича интернетдан фойдаланишини доимо ота-онаси кузатиб бориши лозимдир, чунки виртуал дунёда ёшлар ҳар бир маълумотдан кучли таъсирланар экан. Ҳозирча интернет контентини бошқариш қийин экан, демек, унинг истеъмолини «тартибга солиш» мақсадга мувофиқдир. Аудитор-ия фақат ўз ёшларига мослаш-

тирилган сайтлардан фойдаланишга ўрганиши лозим.

Айни вақтда бутун дунёни ташвишга солаётган нарса, бу интернетдаги порнографик сайтларнинг ёшлар онига таъсиридир. Айниқса, диний ташкилотлар «ўргимчак тўри»нинг ушбу жиҳати туфайли унчалик ҳам қўллаб-қувватламайди. Масалан, исломий давлатларда порнографик сайтларга ташриф буюриш қонунадан тақиқланган.

Статистик маълумотларга кўра, порнографик сайтлар мухлислар томонидан энг кўп ташриф қилинадиган сайтлардир. Бунга сабаб, беҳаё контентга эга маҳсулотларнинг анъанавий усул билан тарқатилишининг таққиданиши ва виртуал усулда олишнинг эркин-

лигидир. Албатта, бу каби сайтлар ёшларимиз онига жуда катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тажрибадан маълумки, энди вояга етаётган ўспиринларда фақат ўз ҳиссиётларини биринчи ўринга қўйиш ҳоллари кузатилади. Бу ҳолатдаги ёшлар учун ҳам энг қулай жой виртуал тизим бўлиши мумкин. Яъни, бу давр улар учун энг таъсирланиш эҳтимоллиги юқори бўлган вақтлар ва айтиш керакки, юқорида келтирилган сайтлар уларнинг руҳияти учун жуда хавфлидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ёшлари учун интернетда кўпроқ маърифий-қўнғилочар сайтлар очилса ва уларда ҳозирги замон ёшлари орасида юриш-туриш ва уларни қийнаётган муаммолар хусусида сўз юритилса, уларнинг онги шаклланишига ижобий таъсир кўрсатишга имкон бўлар эди.

Р.КИМ,

ДАИ АКТ бўлими бошлиғи

Расмга бир назар ташланг. Бир қарашда ҳаммаси оддийдек кўринади. Сиз ҳам идорала ишлайдиган бўлсангиз, бундай манзарага кўп марта гувоҳ бўлгандирсиз? Унда замонавий офисда ишлайдиган ходимга таъсир қилиши мумкин бўлган 10та хавфли омилни аниқлай оласизми? Қуйидаги матнни ўқишдан аввал уларни бир излаб кўринг.

1. Ўсимликлар ахволи

Тувақларда қуриб қолаётган ўсимликларга жиддий эътибор қаратиш вақти келди. Техас университетининг талқиқотлари шуни кўрсатдики, кўкаламзорлаштирилган хонада ишлайдиган ходимларнинг 70 фоизи ўзларини яхши ҳис этишаркан. Хонасида ҳатто битта яшил барг ҳам бўлмаган одамларнинг эса атиги 40 фоизи ўз ишидан миннатдорлиги аниқланди. Бамбукли палмалар, каучуқли ўсимликлар ва азалиялар кўзни қувонтириш билан бирга, хонадаги ҳавони тозалайди ва намгарчиликка қарши ажойиб восита ҳисобланади.

2. Зарарли гўшак

Телефон гўшагини елкангиз ва бошингиз орасида қисиб микроинсултга йўлиқиш эҳтимолини оширасиз. Neurology журнали битта мисол келтиради. 43 ёшли француз бир соат шу алфозда сўзлашганидан сўнг вақтинчалик кўролмайдиган, қўлоғида шовқин эшитилган, маълум вақт умуман сўзлашолмайдиган бўлиб қолибди. Бўйин орасида қисилган гўшак кўзларни ва мияни қон билан таъминлайдиган томирни қисиб қолиши мумкин экан.

3. Сўзлашув гашти

Кечаги футбол матчи ҳам компьютер орқали муҳокама қилинганми? Бекор қиласиз. Cisco компанияси учун амалга оширилган тадқиқотлар кўрсатдики, фақат компьютер ва телефон орқали бир-бири билан суҳбатлашадиган идораларда яқин ва ишончли муносабатлар ўрнатиш мумкул экан. Бу эса маҳсулдорлик, унумдорлик, муваффақият ва жамоат соғлиги учун айни табида. Шундай экан, вақти-вақти билан табиатда кабопбаллик қилганга нима етсин?

4. «Сичқонча»нинг таъсири

Британиянинг ўзида 450 000 нафар идора ходими RSI (такрорланадиган ҳаракат жароҳати) синдромидан жабр кўради. Ҳеч ким санаб ўтирмаган бўлса-да, Ўзбекистонда ҳам бундайлар етарли. Гап соатлар давомида такрорланадиган бир хил ҳаракатлар туфайли кўлда пайдо бўладиган оғриқлар ҳақида бормоқда. «Сичқонча» ва клавиатура билан эса идорадаги аксарият ходимлар ишлайди. Кўллар камроқ жабр кўриши учун ўтирган кресло тирсак-

кўйгичини стол билан бир баландликка қўйинг. Тирсаккўйгич бўлмаса, тирсакларингизни стол устига қўйинг. Улар асло осилиб турмасин.

5. Титровчи телефон

Кўшни ўтирган одамнинг қўлоғига бақриб кўрсангиз нима бўлишини биласизми? Бирор мусиқани ҳўштак ёрдамида чалиб берсангиз-чи? Нега бўлмасам телефонингиз бундай қилишига йўл қўясиз. Officespam.com сайтидаги явол-жавобнинг натижаларига кўра, иш жойида рингтоннинг янграши салбий оқибатларга олиб келади. Тўсатдан янграган товушга одам ҳарбий тревога сингари муносабатда бўларкан. Инглиз психологи Том Стоарт таъкидлашчи, одам кейинчалик ўзига келиши учун анча вақт талаб этилади. Шундай экан, идорадаги 8-10та телефон вақти-вақти билан бонг чалиб турса ҳам одам ишга тайинли кириша олмайди. Мунтазам чўчиб тушаверади, кўрқувдан қутулиш учун ҳам вақт зарур. Телефонингизнинг товушини ўчириб, титровчи қилиб қўйсангиз, нур устига аяло нур.

6. Креативликка туртки

Идорада фақат ишчи хоналар бўлса, одамларга янги гоёлар камроқ келади. «Ошхона, буфет ёки ҳордиқ чиқариш хонаси — креативлик пайдо бўладиган жойлар шародир», — дейди Стоарт. Атрофдаги шароит ўзгариб турар экан, илҳом одамга қутулмаган вақтда келиб қолиши мумкин.

7. Деразанинг фойдаси

Ҳавонинг тез-тез алмашиниши диққатни жамлашга ижобий таъсир кўрсатади. Америкадаги ишчи жойларида хафсизлик ва соғлиқни ўрганиш миллий институтининг маълумотларига қараганда, кондиционерли ҳавода ўтирадиган ишчилар респиратор касалликларига 2,5 баравар кўп мубтало бўларкан. Яхшиси, вақти-вақти билан деразани очиб туриш ёки кўчага бирров чиқиб келиш керак. Бир ўзингиз чиқсангиз ҳам майли, лекин яқин одамлар билан бирга янада зўр-ку.



8. Келажак технологиялари

Computer People рекрутинг гуруҳи тадқиқотлари шуни кўрсатдики, идора ходимларининг 68 фоизи хардкор компютер сленгини тушунорсиз деб ҳисоблайди, 75 фоизи «қўлоғига гап қирмайдиган» техника билан курашишга ҳафтада бир соат вақт сарфлайди. Офисдаги кўпол бузилишининг 32 фоизи IT билан боғлиқ тушунмовчиликлар туфайли рўй беради. Натижада асаблар бузилади, чиқимлар кўпаяди.

9. Чангли расмлар

Сигарет тутатмайсиз ва ўпкангиз тозаланишга ишончингиз комил, шундайми? Хурсанд бўлишга ҳали эрта. «Идорадаги лазерли принтерларнинг 30 фоизгача қисми майда зарралар чиқарадики, улар ўпкага кириб, худди сигаретнинг тутуни сингари салбий таъсир кўрсатади», — дейди Квинсленд университети профессори Лидия Моравска. Ишлаётган принтердан нари туринг. Айниқса, картрижи янги бўлса. Моравска ҳатто чиқаётган зарралардан халос бўлиш учун принтерларни деразанинг олдида қўйишни маслаҳат беради.

10. Клавиатура устидаги овқат

Британиялик микробиологлар тасодифан танланган бир клавиатуранинг микроскоп остида ўрганиб кўриди. Клавиатура худди ўша идоранинг ҳожатхонасидаги ўтиргичга қараганда беш баравар кўп аниқланди. «Ҳаммасига иш столи устида овқат ейиш туфайли», — дейди Лондон университети доктори Марк Энрайт. Ушқандан бактерия кўпаяди, уларнинг ҳаммаси клавиатура орқали қўлга ўтади, қўл орқали эса борган жойига бораверади. Иш жойида ҳеч қачон овқат еманг. Тушлик учун алоҳида ошхона талаб қилинг. Энг яхшиси, кўчадаги ошхонага чиқишингиз керак.

Ўзбекистонда 1-рақамли роуминг- оператори

“Билайн халқаро роуминг географияси навбатдаги кенгайтирилишини эълон қилди.

Энди товушли роуминг хизматларидан “Telecom Seychelles” (Сейшел ороллари); “Elisa” (Финляндия), “Wana” (Марокаш) ҳамда “Wind” (Италия) тармоқларида фойдаланиш мумкин. GPRS-роумингни тақдим этиш ҳақида шартномалар “Cellplus” (Маврикий), “Latelz” (Камбоджа), “Vodafone” (Венгрия), “Cable & Wireless” (Гернси), “Orange” (Мадагаскар), “U-Mobile” (Малайзия), “Alands” (Финляндия) ҳамда “Manx Telecom” (Мэн ороли) операторлари билан имзоланган. CAMEL-роумингдан “Бакселл” (Озарбайжон) ва “Africell” (Гамбия) тизимларида фойдаланиш мумкин.

“2010 йилда биз бутун дунёдаги роуминг-ҳамкорлар сонига кўра, Ўзбекистонда биринчи ўринга чиқдик, — воқеани шарҳлайди “Юнител” МЧЖнинг техник директори Антон Голиков. — “Билайн” кўп вақтдан бери жаҳонда биринчи рақамли роуминг-оператори ҳисобланади ва биз мамлакатимизда ушбу имижга мувофиқлигимиздан фахрланамиз”.



Бугун халқаро товушли роуминг “Юнител” абонентларига 159та мамлакатнинг 380та оператор тармоғида, GPRS-роуминг — 95та мамлакатнинг 182та оператор тармоқларида фойдаланиш учун қўлайди. Шунингдек, “Билайн” 3G-роуминг йўналишида (80та мамлакатда 123та оператор) ҳамда CAMEL-роумингда ҳам (жаҳоннинг 69та мамлакатда 110та оператор) етакчилик қилмоқда.

Эслатиб ўтаем, “Юнител” абонентлари учун ноёб CAMEL-роуминг хизмати мавжуд, яъни \$50ли кафолатли тўловсиз, абонент баланси \$0га келмагунча ҳар қанча ижобий балансда роуминг хизматидан фойдаланиш мумкин. Ҳисобдаги маблағ эса реал вақтда ечирилиб борилади. CAMEL-роумингни фаоллаштиришга ҳожат йўқ, чунки у телефонда автоматик равишда ёқилган. Бу хизмат туридан олдиндан тўлаш тўлов тизимида бўлган ҳар қандай абонент ҳисобидида ҳар қанча ижобий қолдиқ мавжудлигида фойдаланиши мумкин.

Бугун унинг тўйи... Уйланыпти... Фарҳонанинг серчинор, салкин кўчаларида сар-сарни кезаркан, ўзини кўярга жой тополмасди. Наҳот ўша киз мендан чиройли, мендан ақлли бўлса! Буларнинг ҳаммаси кани энди ёмон туш бўлсаю уйғониб кетса! Юраги ҳам уйланиб олди, уйланиб олди, дея тўхтовсиз нола қилар, ўн етти ёшида ўзи дуч келган бу кўргиликнинг айбдори ким — жавоб тополмасди.

Бир ўзган ҳаёт бор қани олдинда

Ана улар ўтирган ўриндик, ана икковларининг шод-бахтиёр дамларига гувоҳ — фаввора. Ана, ҳар қаламда уларга табассум билан боқётгандек очилиб ётган турфа гуллар. Ҳамма-ҳаммаси ўша! Фақат шу Севара қиз бошқа. Бу ерда уларни дугоналари кўришган эди. Энди уларга нима дейсан, Севара, қандай бош кўтариб юрасан? Энди у ишонганига керак эмас. Ҳеч кимга керак эмас... Юз-кўзларини шашқатор ёшлар ювганча кимсасиз кўчага қайрилди. Бу қайси маҳалла, қаерга кетяпти — ўйламасди. Нимагадир қаттиқ урилдию ҳаёли жойига тушди. Ёнгинасида ёши ўтинқираб қолса-да қош-кўзларига қалин сурма тортган, башанг кийинган аёл турарди. Унинг важоҳатидан Севаранинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Ердан чиқдим, осмондан тушдим бу хотин.

— Кўз борми? — деди аёл ўда-ғайлаб, филдиракли тўр-халтани нари суриб. — Аммамнинг бузоғига ўхшамай, ён-верингга қараб юр.

— Мен, кечирасиз, — томоғи хиппа бўғилиб, хўнграб юборди қиз. — Ойдеккина қиз экансан, — деди аёл овози бир пастда юмшаб. — Ким хафа қилди? Ҳамларлик ушбу дамда қизга жуда-жуда керак эди: — Бугун унинг тўйи...

Бу нидо қизнинг вужуд-вужудидан отилиб чиқди. Шундай деб бир оз енгил торгандек йўлида давом этмоқчи эди, бироқ аёл тўлагина бўлса-да, эпчиллик билан қўлидан ушлаб ўзига қаратди.

— Холанг қоқиндик, юра қол бизникига, бир пиёла чой ичайлик, ўзингга келасан-қоласан. Сени кимлар олмайди. У бевафони унут. Ана, ҳовлимиз. Кўк дарвоза бизники.

Маҳобатли ҳовли-ку, нега бунча қаровсиз. Яқин ўртада супурги кўрмаган, беш-олти чоғли хурмо дарахтлари остида ахлат уюмлари кўзга ташланади.

— Сўрида ўтира тур. Мен чой опчиқай.

Афтидан уйда ҳеч ким йўқ эди. Қайноққина чой устида сўхбат қизиди. Қизгина уйлаб ҳам ўтирмай етти ёт бегонага дарду ҳасратини дастурхон қилди. Энди унга ҳаммаси бари бир эди. Барибир.

— Агар хоҳласанг, сенга бир дори берай, бу дунёнинг қайғу ситамларини унутасан-қўясан...

— А, шунақа дориям бўладими? Қани, бера қолинг. Ўлдириб қўя қолса ҳам майли, ичман!

Аёл яна бесўнақай гавдасига хос бўлмаган тарзда чаққон юрди. Лип этиб уйга кириб, қўлида сувқоғозга ўралган бир нималарни олиб чиқди: — Қани, билагингни оч-чи. Қиз анграйди: Нимага?

— Кўрқма, оғримайди. Дори ҳам, игна ҳам яп-янги, — дея бир марталик шприцни ўрамидан чиқарди.

Севара олдинида даҳшатли нарса ёдига тушгандай тисарилди. Лекин қалбини ўртаб ётган алам оловини тезроқ ўчиришни истади. Билагинни тутди. Нима бўлса бўлар. Ахир энг яқин кишим ўзгани танлади, уни афзал кўрди. Чунки унинг отаси бор, меники йўқ, чунки унинг давлати бор, меники йўқ, У вафосизни унутса бас. Алвидо, ҳаёт! Алвидо, муҳаббатим!

Томиринга игна санчилди. Оҳ, деб юборди, бу оғриқдан эмас, ўзи англаб, идрок этолмаётган адолатсизликнинг илк изтироби эди бу.

Бир неча дақиқалардан сўнг у сархуш этувчи «роҳат-фароғат» оғушида бамисоли қуш каби учиб борарди. Ажаб, яна ва янада баланд уса бўларкан...

Ташвишлардан фориг бўлганча тўртинчи қаватга кўтарилди. Йўлда кимдир салом берди, кимдир бир нима сўради. У парвосиз йўлида давом этаверди: «Менга ҳеч нарса керак эмас». Эшикни очиб кирганда ичкаридан аясининг овози эшитилди:

— Ҳой, Севара, келдингми, қаерларда қолиб кетдинг, сандирақлаб?..

Сериял кўряпти. Унга сериялдаги Кумушлар азиз, Имран азиз. Муҳаббат хола айтадиларку, «Сенга эр ҳам, бола ҳам шу, сериял» деб. Дадаси вафот этгач, аяси фақат серияллар оламида яшайди. Кўраверсин. Мени саволларга тутмаса, тинч қўйса бас.

Фафлат уйқуси ширин экан. Ҳар куни ётоғига беркиниб, ўтган хуш дамларни қўмсашдан бошқа иши йўқ эди. Узоқдан бўлса ҳам бир кўрсайди...

Бир куни учратди ҳам. Бироқ у танимади. Олдидан ўтди-кетди. Таниган чоғида нима ҳам қиларди. Энди улар бегоналар-ку.

Юраги бўлди, ўша томонга, ўша хотинни кига борма, деса ҳам оёқлари ўша томонга тортаверди. Яна ва яна. Агар уйларига Меҳри хола келиб қолмаганда бу аҳвол қанча давом этарди — номаълум.

«Бўйларингга бўйғумор. Маликаи Ҳуснобод бўлиб кетибсан-ку. Туфтуф кўз тегмасин», — деб кўришадиган Меҳри хола эшикни очган Севарани базўр таниди:

— Ийе, менгина ўлай, ўзингми-сан, Севара? Намунча озиб-тўзиб кетмасанг. Қани онанг?

Тушликдан сўнг Севара дугоналарни ёлғиз қолдириб, ётоғига кириб кетди. Лекин Меҳри холанинг ташвишли овози эшитилиб турди:

— Тавба, қанақа ўтиш даври? Коллежни битирди. У энди институтга кириши керак. Дизайнер бўламан дерди-ку. Энди ўқимайманга тушиб қопти. Бу қанақаси, сурсурдай қиз чўпи чиқиб кетибди-ку. Нима қилиш керак — ҳаёлингни кўчасига кирмаса-я! Яхшиямки олий маълумотли педагогсан!

— Севара, бу ёққа чиқ. Меҳри холангнинг сенга гапи бор экан.

Севара эса чиқмади. Чиқолмасди. Жимжитлик. Тинчликмикан? Дугоналар жон халпида югуриб киришди. Каравотда гужанак бўлиб ётганча титраб-қақшаётган Севарани кўришди-ю ҳаммасига тушунишди. — Ваҳима қилма, давоси бор, — деди Меҳри хола ҳолсизланиб ўтириб қолган дугонасига. — Курсдошим нарколог.

Севарани шифохонадан олгани Меҳри холаси келди.

— Юр, универмагга кирамиз, — деди у қизга. — Сенга ёққан қўйлакни олиб бераман.

Севара танлаган қўйлак чўгдек қип-қизил, узунгина эди. Тўсиқ ортида кийиб ийманибгина чиқди: — Ярашми?

— Ярашганда қандоқ. Энди мана бу ойнага бир қараб боқ.

Юмалоқ ойнада катта-катта тим қора кўзлари ҳайратларга тўлиқ, лўпчи яноқлари ловуллаган соҳиб-жамол қиз жилмайиб турарди.



Осиё кубоги. ЧОРАК ФИНАЛ: ЎЗБЕКИСТОН – ИОРДАНИЯ

Қатарда ўтаётган Осиё Кубоги ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Сўнгги тур баҳсида Хитой билан дуранг натижа қайд этган вакиллари-миз 7 очко билан гуруҳда биринчи бўлди.

Хитойликларга қарши кечган қизиқарли баҳсда ҳисобни биринчи бўлиб очишимиз мумкин эди. 2-дақиқадаёқ Сервер Жепаров чап қанотдан Темур Кападзени олдинга чиқарди. “Бунёдкор” ярим ҳимоячиси эса тўпни рақиб жарима майдончаси ичига узатди. Тезкор ҳужумни Максим Шацких гол билан якунлаши мумкин эди, аммо зарба ноаниқ кетди.

Кўп вақт ўтмай, хитойликларнинг қарши ҳужумлари самарали яқун топди. 5-дақиқада Анзур Исмоилов жарима майдончамизга яқин жойда хитойлик футболчини кўполик билан тўхта-тиб қолди. Жарима тўпи эса жуда хавфли чиқди. Игнатий тўпни зўрға майдондан ташқарига чиқариб юборди. Хитойликлар бурчак тўпидан сўнг ҳисобни очишди.

Ҳисобда орта бораётган футболчиларимиз рақибни ўз жарима майдонига қамаб қўя бошлади ва марказий ҳимояда тўп сураётган Одил Аҳмедов тезликда олдинга интилиб, Жепаровга тўпни оширди. Жепаров алдамчи ҳаракат билан олдинга интилган Одилни қайта тўп билан таъминлади. Бу вақтда футболчимиз хитойликлар дарвозабонига яккама-якка чиқиб бораётган эди. Имконият кўкка соврилмади, Аҳмедов мусобақадаги иккинчи голни ўз ҳисобига эзиб қўйди.

Иккинчи бўлим бошида Гейнрих ажойиб голга муаллифлик қилди. Чамаси 30 метрлардан берилган кучли зарбага хитойликлар посбони қарши чиқолмади.

Бир оз ўтиб, мухлислар яна бир чиройли гол гувоҳи бўлишди. Аммо бу сафар тўп Нестеров дарвозасига киритилди. Хао Цзунмин жаримадан дарвозамизнинг ўнг бурчагини аниқ нишонга олди.



«А» ГУРУҲИ. 3-ТУР
ХИТОЙ - ЎЗБЕКИСТОН 2:2
Голлар: Ю Хай 7, Хао Цзунмин 56 - Одил Аҳмедов 30, Александр Гейнрих 47

Гуруҳда иккинчи ўринни 6 очко билан мезбон жамоа – Қатар қўлга киритди.

Бугун чорак финалда терма жамоамиз Иорданияга қарши баҳс олиб борди. Иорданияликлар кутилмаганда Япония билан дуранг ўйнаб, Саудия Арабистони ва Сурия терма жамоаларини мағлубиятга учратган ҳолда чорак финал йўлланмасига эга чиқди. Демакки, бизни анча мураккаб ўйин кўтиб тарихди.

Чорак финал жуфтликлари қуйидагича:
Япония – Қатар (21.01.2011)
Ўзбекистон – Иордания (21.01.2011)
Эрон – Жанубий Корея (22.01.2011)
Австралия – Ироқ (22.01.2011)



Ришод – яна шоҳсупада

Дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров янги мавсумдаги дастлабки галабасига эришди.

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган “Мастерс” туркумига кирувчи халқаро турнирда қирқдан зиёд мамлакатдан келган икки юз нафардан ортиқ спортчи куч синашди. Мусобақаларда жаҳон рейтингда ўз вазн тоифаси бўйича юқори ўринларни эгаллаб турган дзюдочилар 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи рейтинг очколари учун курашди.

Амалдаги жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби ва дунё рейтингда пешқадамлик қилаётган ҳамюртимиз Ришод Собиров яна бир қарра ўз маҳоратини намойиш қилди. Моҳир дзюдочимиз мўғулистонлик Ганбат Богдбаатар, грузиялик Амиран Папинашвили ва россиялик Беслан Мурановни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Ришод ҳал қилувчи беллашувда ҳам россиялик Арсен Галстян устидан зафар кучди ва олтин медални қўлга киритди.

Роналду – энг кўп маош оладиган футболчи

«Реал» клуби футболчиси Криштиану Роналду дунёдаги энг кўп маош оладиган футболчи, — дея хабар беради Магса нашри.

Португалиялик футболчининг йиллик ойлиги 12 миллион еврони ташкил қилар экан. Иккинчи ўринда «Манчестер Юнайтед» клуби ҳужумчиси Уэйн Руни турибди, у 11,5 миллион евро ҳақ олади. Учинчи ўринда Месси 11 миллион евролик ойлиги билан бормоқда.

Кейинги ўринларда «Манчестер Сити» футболчиси Яхё Туре 10,8 миллион евро, «Интер» футболчиси Самуэл Это’О 10,5 миллион ва Кака 9 миллион евролик ойлик билан боришмоқда.

Ўтганларнинг охирига обод бўлсин

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали ҳамда филиал касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Шаҳрисабз ПАТ Шаматон алоқа бўлими бошлиғи

Фахриддин МИРЗАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

“Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхонаси жамоаси Тошкент радио ва телевидение узатиш маркази директорининг биринчи ўринбосари Ҳамидулла Холмухамедовга бобоси

Зокиржон отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ЖЧ-2013 ва ЖЧ-2014 мезбонлигида даъвогар

ФИФА ёшлар, ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатларини қабул қилишга даъвогарлик қилаётган мамлакатлар номини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон ёшлар ўртасидаги 2013 йилги жаҳон чемпионати ва 17 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги 2014 йилги жаҳон чемпионатини қабул қилишга даъвогарлик қилмоқда:

- U-17 Жаҳон чемпионати-2013: Гана, БАА.

- U-20 Жаҳон чемпионати-2013: Туркия, БАА ва Ўзбекистон.

- U-17 қизлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати-2014: Коста-Рика, Гана, Македония, Россия, БАА ва Ўзбекистон.

- U-17 Жаҳон чемпионати-2015: Чили, Россия, Тунис ва Уэльс.

- U-20 Жаҳон чемпионати-2015: Янги Зеландия, Перу, Тунис ва Уэльс.

Равшан Эрматов дунёда иккинчи!

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси кўмитаси 2010 йилнинг энг яхши ҳаками номини эълон қилди. Унга кўра, ЖАР яшил майдонларида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатининг финал учрашувини бошқариб борган англиялик Ховард Уэбб биринчи ўринни қўлга киритди. Инглиз арбитри умумий рейтингда 189 очко тўплашга муваффақ бўлди.

Кувонарли томони, ЖАР-2010 қаҳрамонларидан бири Равшан Эрматов иккинчи ўринни забт этди. Ҳамюртимиз умумий рейтингда 128 очко тўплашга муваффақ бўлди.

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси кўмитаси талқини бўйича ТОП-10 ҳакамлар рўйхати:

1. Ховард Уэбб (Англия) 189
2. Равшан Эрматов (Ўзбекистон) 128
3. Массимо Бузакка (Швейцария) 90
4. Франк Де Блекере (Белгия) 63
5. Виктор Кашшаи (Венгрия) 60
6. Бенито Арчундиа (Мексика) 44
7. Волфганг Штарк (Германия) 40
8. Эктор Балдасси (Аргентина) 31
9. Хорхе Ларрионда (Уругвай) 29
10. Роберто Розетти (Италия) 25

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТ/ЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идораларо мувофиқлаштириш комиссиясининг 2011 йил 10 январдаги 70-мажлис бағина асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ “АЗИЗ ЮРТИМ” масъулияти чекланган жамиятининг (Анджон ш.) радиодастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001447 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 19 январдан тугатилди.

Кўчат экиб, боғ яратайлик!

Юртимизда азал-азалдан боғ яратиб, эл ризку насибасини бойитишга катта эътибор берилган. Бу йилги кўчламга ҳам одамлар кизкин тайёргарлик кўришмоқда. Томорка-ю йўл четларига бўлса-да, кўчат экиб кўчарттириб олишга иштиёқлари баланд юртдошларимизнинг. Ана шундай яратувчанлик ишқи билан ёнаётган фуқароларимиз истакларини инобатга олиб, биз республикамиз ҳудудига сархил ва сифатли кўчат тайёрлаб, уларни парвариш ишларига ҳам бош-қош бўлаётган “Мева-шарбат” боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорациясида бўлиб, у ерда олиб борилаётган ишлар билан танишдик ҳамда корпорация таркибидagi Р.Шредер номидаги илмий-тадқиқот институти мутахассислари билан суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон қадим-қадимдан боғбон ва соҳибкорларга бой бўлган, — дейди корпорация раиси Шермухаммад Юсуфов. — Аждодлар ишини давом эттираётган бунёдкор халқимиз бугун ҳам минглаб гектар майдонларда турли мевали кўчатларни ўстириб, эл дастурхонига сифатли меваларни етказиб бермоқдалар. Тўғри, кейинги пайтда боғдорчиликка эътибор бир оз сусайгандай бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 ноябрдаги республикада мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга оид 261-қарори эълон қилинганидан сўнг бу борадаги ишларга мамлакат миқёсида катта эътибор берилди бошланди.

Биз ҳам кейинги пайтларда фаолияти тўхтаб қолган Боғбон ва соҳибкорлар мактаби ишини қайта йўлга қўйдик. Кўп ўтмай ушбу мактаб ҳар бир вилоятда ташкил этилади ва энг малакали мутахассислар томонидан амалий машғулотлар олиб борилади.

Айни пайтда Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, икки гектар майдонда иссиқхона, оналик кўчатхона қурилиши бошланган. Ушбу қурилишлар шу йилнинг сентябр ойида тугатилади.

Кўчатлар навини яхшилаш мақсадида чет мамлакатлардан пайвандтаглар олиб келиб, олий навли кўчатларни ўзимизда етиштирамиз. Мақсадимиз яқин йиллар ичида республикамиз ҳудудига сифатли кўчат экиб, элимиз дастурхонини ўзимизда етиштирилган сархил мевалар билан тўлдиршидир.

Суҳбатимизга Шредер номидаги

илмий-тадқиқот институти боғ ва токзорларни ҳимоя қилиш бўлими мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент Ўткир Набиев, агротехника бўлими мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Абдулла Орипов ҳамда илмий котиб Хусан Ўтагановлар қўшилиши.

Биз улар билан аҳолининг боғдорчилик маданиятини юксалтириш, уй шароитида мева ҳашаротларига қарши кураш чоралари ҳақида гаплашдик.

— Боғ азалдан бизда даромад манбаи бўлиб келган, — деди Абдулла Орипов. — Боғдорчиликни ривожлантириш билан биз аҳолининг мева маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирамиз, шунингдек, бошқа соҳалар ҳам мутаносиб равишда ривожланади. Яъни, мева-чева кўпайгач, ўз-ўзидан уни қайта ишловчи кичик корхоналарга эҳтиёж туғилади. Демак, боғдорчилик соҳасида ҳам тадбиркорлик ривожланади, қўшимча иш ўринлари яратилади. Шунингдек, боғ-роғларнинг кўпайиши асаларчилик ривожига жуда катта таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, асаларилар ҳосилдорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди. Негаки, асаларилар ёрдамида чанглантириш даражасини 30-40 фоизга ошириш мумкин. Ҳар бир хонадонда ҳеч бўлмаса битта оилада асалари боқилса, ўша оила дастурхониди ҳам мева-чева сероб бўлади, ҳам шифобахш неъмат бўлган асалга эҳтиёж туғилмайди. Сифатли асал етиштириш қанчалар сердаромад эканлиги эса ҳаммага маълум. Бундан ташқари, турли навларни ёнма-ён экиш ҳам чанглантиришда яхши самара беради.

— Кўчат ўстириш бир иш бўлса, уни парваришлай билиш, ҳашаротлардан асраш иккинчи муҳим иш. Уй шароитида ҳашаротларга қарши қандай курашиш мумкин?

— Халқимизда бу борада содда тажрибалар мавжуд, — дейди Ўткир Набиев. — Булардан бири тузоқли белбоғдир. Нок, беҳи, олма дарахтлари гулдан чиқиб, мева туккан пайтида боғланади бундай белбоғ. Ва ҳар ҳафтада ечиб олинади ва тозаланиб (бунда белбоғлар қайноқ сувга ботирилиб, ҳашаротлар йўқ қилинади), қайта боғланади. Дарахт тагини чопиб қўйиш ҳам керакли натижа беради. Дарахтлар танасини оқлаш жуда муҳимдир. Бунинг учун 10 литр сувга 2 кг оҳак ва 1,5 кг тупроқ аралаштириб оқламоқ лозим. У ҳам ҳашаротлар йўқлигини ўсади, ҳам қишнинг қаҳратонида, ёзнинг саратонида пўстлоқни зарарланшидан сақлаб, дарахтлар умрини узайтиради. Шунингдек, қадимда ота-боболаримиз шира тушган токка тамаки қайнатилган сув билан ишлов беришган.

Дарахтлар гуллаганда ҳаво ҳарорати кескин совиб кетса, боғни суғориш билан дарахтларни совуқ уришдан сақлаш мумкин. Чунки сувдан кўтарилган илиқлик совуқни юмшатади. Гулкочачалардаги сувни силкитиб тўкиб юбориш, дарахт тагига узоқ ёнувчи нарсани тутатиб қўйиш орқали ҳам ҳосилни сақлаб қолса бўлади. Мабодо дарахтлар гулларини

ҳаддан зиёд кўп тўкиб юборса, билинганки, ер унумдорлиги пасайиб кетган. Бу вазиятда тупроқни ўғитлантириш даркор.

Институт олимлари, шунингдек, турли мевали дарахтларни агроботаник парваришlash технологияси, улардан, хусусан, олма дарахтининг хусусиятлари ҳақида ҳам гапиринди.

Масалан, бизда олманинг мелба, оқ олма, розмарин, семеренко турлари мавжуд. Эртанги нав олма экилганидан сўнг 2-3 йил, ўртаги ва кечки навлари 5-6 йил ўтиб, нишона бериши мумкин. Бир туп олма ўртача 200-1000 килограмм ҳосил беради.

Мамлакатимизда олманинг паст бўйли тури районлаштирилган. У ММ-9, яъни султ ўсувчи пайвандтада ўстириляпти. Олманинг бу нави оз майдонга кўп кўчат экилиши билан фойдалидир.


Шафтоли кўпчилик уйлаганидай 2-3 йиллик дарахт эмас. Уз вақтида шакл берилиб, эски шоҳлари олиб ташланса ва танаси тоза тутилса (юқоридаги усулда оқлаб турилса), 20-25 йил давомида тўлиқ ҳосил бериши мумкин.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
Муборак МИРКАМОЛОВА,
“Xabar” мухбирлари

Қадрли газетхонлар, ўлкаимизда ҳадемай кўчат экиш мавсуми бошланади. Бу мавсумда фаол иштирок этайлик.

Агар ушбу масалада ўзингизни қизиқтирган саволларингиз бўлса, марҳамат, бизга мактуб йўлланг.

Мутахассислар ёрдамида саволларингизга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

 <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУХИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдугани АБДУРАҲМОҲОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлѐзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — 0</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.</p>																							
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтаинг жума кунини чиқарилади</p>		<p>“Шарқ” нашриѐт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>		<p>G-102 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 18302 нусха.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>																			
<p>Видеот мухбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>		<p>Бухорода 223-27-85</p>		<p>Гулистонда 40-12-19</p>		<p>Жиззаҳда 226-06-34</p>		<p>Навоийда 225-91-10</p>		<p>Наманганда 226-61-85</p>		<p>Нукусда 554-35-45</p>		<p>Самарқандда 233-61-81</p>		<p>Термизда 224-06-12</p>		<p>Тошкентда 288-40-66</p>		<p>Урганча 226-37-16</p>		<p>Фарғонада 226-87-71</p>		<p>Қаршида 314-08-99</p>	